

# 14 ЯНВАРЬ – ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ КУНИ



Yangi O'zbekiston taraqqiyoti uchun birlashaylik!

21asr  
IJTIMOIY SIYOSIY GAZETA

13-yanvar 2022-yil 2 (948)



www.21asr.uz



@XXlasrofficial

Gazeta 2004-yil 1-yanvardan chop etila boshlangan

## БУГУНГИ СОНДА:



**ФАХРИЙЛАР КЕНГАШИ:  
ТАЖРИБАСИ  
ҲИКМАТ,  
ҲАР ЎГИТИ  
ОЛТИН**

2 с.



**“ШИРИНЛИК  
ОРТИДАГИ  
АЧЧИҚ  
ТАЪМДАН  
ҚЎРҚМАЙМАН”**

4 с.



**ҲУНАРМАНДНИНГ  
ЕЛКАСИГА  
ОФТОБ  
ТЕГЯПТИ**

4 с.



**ПРЕЗИДЕНТ  
МУКОФОТИ  
НОБЕЛДАН  
ЮҚОРИДИР**

6 с.



## КЎКДА ҚАЛҚОН, ЕРДА ПОСБОН ДЕСАНТЧИЛАР

Шарқий ҳарбий округга қарашли, Фарғона шаҳрида жойлашган ҳарбий қисмга кириб борарканмиз, юрт ҳимоясига бел боғлаган ўғлонларнинг жанговар мушғулотлари устидан чиқдик. Тонг саҳардан бошланган жисмоний чиниқиш амалий машқларга, назарий ўқишларга улашиб кетади. Ҳарбийларнинг ҳар бир дақиқаси ҳисобли. Улар ҳатто китоб ўқиш, маданий ҳордиққа ҳам вақт топишади.

Ҳаво десантчилар бригадасида ҳар кун ана шундай қайноқ ҳаёт ҳукмрон. Зеро, десантчи бўлиш осонмас. Бу ерда хизмат қилаётган ҳарбий хизматчилар осмондаги маҳорат ердаги машқларда тобланади, деган тамойилга қатъий амал қилади.

Мамлакатимизда Қуролли Кучларнинг жанговар салоҳиятини юксалтириш, унинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, замонавий қурол-яроғ ва аслаҳалар билан таъминлаш, ҳарбий хизматчиларнинг жисмоний, маънавий-интеллектуал тайёргарлигини ошириш, ижтимоий ҳимоясини кучайтириш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Ҳаётга татбиқ этилган кенг қўламли ислохотлар тўғрисида мамлакатимиз хавфсизлиги ҳамда барқарорлигини, сарҳадларимиз дахлсизлигини ишончли ҳимоя қилишга, аҳолининг тинч ва осуда ҳаётига қарши қаратилган ҳар қандай тажовуз ва ғаразли уриinishларнинг олдини олишга қодир бўлган, ихчам, ҳар томонлама яхши таъминланган, жанговар қобилият

ҳамда тайёргарликка эга миллий армиямиз шакллантирилди. Утган қисқа даврда янги Мудофаа доктринаси қабул қилинди, ҳарбий тузилмаларнинг таркиби ва вазифалари чуқур қайта кўриб чиқилди, қўшинларни бошқариш тизими такомиллаштирилди, миллий армиямизни замонавий қурол-яроғ ва техника воситалари билан таъминлаш бўйича ўта муҳим лойиҳалар амалга оширилди. Армия сафларида Ватан учун хизмат қилиш ҳар бир йигитнинг гуруру ифтихорига айланди.

Дарҳақиқат, ўз қасамёдида содиқ, кенг билим ва малакага эга, ақл-заковатли, мард ва азму шижоатли ҳарбийлар армиянинг қудратли кучидир. Ҳалабани таъминлайдиган ҳам, шахсий таркибини тарбияладиган ва ўз ортидан эргаштирадиган ҳам улардир. Бугунги кунда ҳарбий қисмдаги десантчилар мунтазам ҳарбий жанговарликни ошириб бормоқда. Бу ерда Президентимиз топшириғи асосида Амир Темур, Жалолiddин Манғуберди синфлари таш-

кил этилиб, буюк саркардаларнинг ҳарбий маҳорати ўрганиб борилмоқда.

Капитан Умиджон Иброҳимов жанговар взвод командири. У Жиззах вилоятининг Ғаллаорол туманидан. Ёшлигидан ҳарбий бўлишни, хусусан, десантчиликни орзу қиларди. Чин дилдан қилинган ҳаракат самарасида бугун ватан ҳимоячисига айланди.

Десантчиларнинг амалий машқлари уларни янада чиниқтиради. Уларнинг кўнжика ва имкониятларини кенгайтириш, ҳар қандай вазиятда юксак руҳий ва жанговар барқарорлигини таъминлашга хизмат қиладиган машғулотлар, айниқса, сакраш машқлари бунда муҳим аҳамиятга эга. Десантчиларимиз эса ҳар қандай шароитда ҳам берилган топшириқнинг удрасидан чиқа олишади.

Ҳа, бугун сарҳадларимиз ишончли қўлларда. Улар юрт тинчилиги йўлида мустақкам қалқон бўлиб, туну кун хизмат олиб боришмоқда.

ЎЗА



## МУНОСАБАТ

## ТАРАҚҚИЁТ СТРАТЕГИЯСИ ЛОЙИҲАСИ

МУҲОКАМА, МУНОЗАРА  
ДАВОМ ЭТМОҚДА

О'zLiDeP Сийёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси ҳамкорлигида ташкил этилган давра суҳбатда Президентимизнинг “Янги Ўзбекистоннинг 2022 – 2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегияси тўғрисида”-ги фармони лойиҳаси агрофлича муҳокама қилинди.



Йиғилишда етти йўналишдан иборат Тараққиёт стратегиясида аҳоли фаровонлиги, инсон қадрини улуғлаш ғояси мужассам эканлиги алоҳида таъкидланди. Жумладан, учинчи йўналишда миллий иқтисодий ривожлантириш борасида қатор вазифалар амалга оширилиши кўзда тутилган. Бу эса партиямиз электорати бўлган тадбиркорлар ва ишбилармонларнинг манфаатларига хизмат қилади.

Тараққиёт стратегиясининг 2022 йилга мўлжалланган “Йул харитаси”да белгиланганидек, рақамли иқтисодийт асосий драйвер соҳага айлантирилиб, унинг ҳажмининг камиди 2,5 баробар оширишга қаратилган чора-тадбирлари кўрилади. Дастурий маҳсулотлар индустрияси ҳажмини 5 баробар, уларнинг экспортини эса 10 баробар ошириб, 500 млн АҚШ долларига етказилади.

Шунингдек, мамлакатимизда рақамли инфратузилмани янада ривожлантириш орқали барча аҳоли масканларини ва ижтимоий объектиларни, магистраль автомобиль йўлларини кенг полосоли улашиш тармоқлари билан қамраб олиш, молия ва банк соҳаларида операцион жараёнларни автоматлаштириш бўйича манзилли дастурий тасдиқлаш борасидаги лойиҳа ҳам кенг жамоатчилик томонидан қўллаб-қувватланмоқда.

“Йул харитаси”да қишлоқ ҳўжалигини илмий асосда интенсификация ривожлантириш орқали деҳқон ва фермерлар даромадини камиди 2 баробар ошириш, қишлоқ ҳўжалигининг йиллик ўсишини камиди 5 фоизга етказиш зарурлиги белгиланган.

Яна бир муҳим йўналишлардан бири – маҳалла институти фаолиятининг самарадорлигини ошириш, уни жамоатчилик бошқаруви ва назоратининг таянч бўлишига айлантириш, Халқ депутатлари кенгашиларнинг маҳаллалардаги муаммоларни ҳал қилишдаги ролини ошириш, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, турмуш даражасини ошириш, маҳаллий бюджетни шакллантириш ва назорат қилиш бўйича уларнинг масъулиятини кучайтириш, шунингдек, барча соҳаларда вазиятни ҳар томонлама ўрганиш ва мавжуд муаммоларни ҳал этиш учун таъсирчан чоралар ишлаб чиқишда Олий Мажлис палаталари ва сийёсий партиялар ролини янада кучайтириш, қабул қилинган қонунларнинг амалиётда сўзсиз ва тўлиқ ижро этилишини таъминлашда парламент иштирокини кенгайтириш вазифалари белгилаб берилмоқда. Бу эса партиямизнинг парламент Қонунчилик палатасидаги ва маҳаллий кенгашлардаги депутатлик гуруҳларига катта масъулият юклайди.

Умуман олганда, Тараққиёт стратегиясида келгуси беш йилликда барча соҳаларни янги босқичга олиб чиқиш, хусусан, фуқаролик жамиятини ривожлантириш, суд-ҳўқуқ, иқтисодиёт, қишлоқ ҳўжалиги, таълим, соғлиқни сақлаш, ташқи сийёсат борасида қатор янги марраларни забт этиш кўзда тутилмоқда.

Йиғилишда Тараққиёт стратегияси лойиҳасига О'zLiDeP йўналиши ва ғояларидан келиб чиқиб, аввало, аҳоли ва партия электорати манфаатларига хизмат қиладиган қатор тақлифлар билдирилди.

О'zLiDeP матбуот хизмати

Давоми 2-3-саҳифаларда. ►►

O'zLiDeP ФРАКЦИЯСИДА

O'zLiDeP СИЁСИЙ КЕНГАШИ ИЖРОИЯ ҚЎМИТАСИДА

## ПАРТИЯМИЗ САЙЛОВОЛДИ ДАСТУРИГА ҲАМОҲАНГ ТАШАББУСЛАР

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракциясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда дастлаб Президентимизнинг “Янги Ўзбекистоннинг 2022 – 2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги фармони лойиҳаси атрофида муҳокама қилинди.



Дурбек АХМЕДОВ,  
O'zLiDeP фракцияси  
раҳбари ўринбосари,  
Олий Мажлис Қонунчилик  
палатаси депутати:

– Етти йўналишдан иборат Тараққиёт стратегиясининг учинчи йўналишида миллий иқтисодий ривожлантириш борасидаги режалар баён этилган. Мазкур лойиҳанинг миллий иқтисодий ривожлантириш, унинг ўсиш суръатларини замон талаблари даражасида таъминлаш йўналишида бир қатор муҳим вазифалар ўрин ол-

ган. Хусусан, келгуси беш йилда аҳоли жон бошига ялпи ички маҳсулотни – 1,6 баравар ва 2030 йилга бориб аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромадни 4 минг АҚШ долларидан ошириш ҳамда “даромади ўртачадан юқори бўлган давлатлар” қаторига кириш учун замин яратиб кўзда тутилган.



Акшагул ТУЛЕГЕНОВА,  
Олий Мажлис Қонунчилик  
палатаси депутати,  
O'zLiDeP фракцияси аъзоси:

– Айниқса, ялпи ички маҳсулотда sanoat улушини оширишга қаратилган ишларни давом эттириш назарда тутилган. Жумладан, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини 1,4 бараварга ошириш мўлжалланган. Бундан ташқари, sanoatнинг етакчи тармоқлари ва иқтисодий янада либераллашти-

рилади. Трансформация жараёнлари яқунланади. Энергия ресурслари ва табиий газ бозорлари эркинлаштирилади. Соҳага хусусий инвестициялар кенг жалб қилиниб, эҳтиёжманд аҳолини ҳимоя қилиш учун ижтимоий истеъмол нормаларини киритиш режалаштирилган.



Ботирбек ТЎРАЗОДА,  
Олий Мажлис Қонунчилик  
палатаси депутати,  
O'zLiDeP фракцияси аъзоси:

– Ҳозирда кенг омма муҳокама-сига қўйилган Стратегия лойиҳасининг ўзига хос қисми тадбиркорлик фаолиятини ташкил қилиш ва доимий даромад манбаларини шакллантириш учун шароит яратишдан иборатдир. Яъни хусусий секторнинг ялпи ички маҳсулотдаги улушини 80 фоиз ва экспортдаги улушини 60 фоизга етказиш назарда

тутилган. Мамлакатда ишсизлик даражасини эса 2026 йил якунига қадар камида 2 баравар қисқартириш. Албатта, бунда Президентимизнинг тадбиркорлар билан очик мулоқот ўтказиши, ҳудудларда 200 та янги sanoat зонасини ташкил этиш ва бизнес-инкубаторлар тизимини ривожлантириш алоҳида кўрсатилган.



Одинахон ОТАХОНОВА,  
Олий Мажлис Қонунчилик  
палатаси депутати,  
O'zLiDeP фракцияси аъзоси:

– Шунингдек, фракция йиғилишида “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”, “Қўриқлаш фаолияти тўғрисида”ги қонун лойиҳалари қизғин муҳокама қилиниб, депутатлар томонидан маъқулланди. Йиғилишда фракция ваколатларига кирувчи бошқа масалалар ҳам муҳокама этилиб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

Тараққиёт стратегияси лойиҳасига O'zLiDeP фояларидан келиб чиқиб, аввало, аҳоли ва партия электорати манфаатларига хизмат қиладиган бир қатор тақлифлар билдирилди. Лойиҳада партия томонидан кўтариб чиқилган тадбиркорликка оид кўплаб масалалар акс этиши лозимлиги таъкидланди.

Шунингдек, фракция йиғилишида “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”, “Қўриқлаш фаолияти тўғрисида”ги қонун лойиҳалари қизғин муҳокама қилиниб, депутатлар томонидан маъқулланди. Йиғилишда фракция ваколатларига кирувчи бошқа масалалар ҳам муҳокама этилиб, тегишли қарорлар қабул қилинди.



## ФАХРИЙЛАР КЕНГАШИ: ТАЖРИБАСИ ҲИКМАТ, ҲАР ЎГИТИ ОЛТИН

Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитасининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Ижроия қўмита қошида Фахрийлар кенгашини тузиш ҳамда унинг таркибини тасдиқлаш масаласи муҳокама қилинди.

бошқа лавозимларда асосан ёшлар ҳамда ўрта ёшлилар ишляпти. Бу, албатта, яхши. Лекин уларга кексалар, катта ҳаётий ва иш тажрибасига эга фахрийлар ҳар жиҳатдан ўрناк ва намуна бўлишлари зарурлигини даврнинг ўзи тақозо қилмоқда. Халқимиз “Оталар сўзи – ақлнинг кўзи” дея бежиз айтмаган. Ёши улугларнинг доно йўл-йўриқлари ходимларимизни хатолардан асрайди, тўғри ва оқилона йўл кўрсатади.

Албатта, шу пайтгача катта жамоамиз вакиллари иш фаолиятида кўпни кўрган, тажрибали, ёши улуг инсонлар маслаҳатларига ҳам таянишди. Бироқ тан олиш керак, бу ишлар тарқоқ, тизимли йўлга қўйилмаган ва турли субъектив

айтадиган бўлсак, бу кенгаш партиямиз мафкуравий ва сиёсий фаолиятини мустақамлаш, фахрийларнинг ижтимоий фаоллигини кучайтириш, давлат органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш, тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ўз позициямиздан келиб чиқиб тақлифлар тайёрлаш, турли тадбирлар ўтказиш ва фаолиятга тааллуқли бошқа кўплаб ишлар амалга оширилишига кўмаклашади. Ишончим комилки, ташкил этилажак Фахрийлар кенгаши партиямиз нуфузи янада юксалиши, фаолияти такомиллашуви ва қамрови кенгайиши, тадбир ва лойиҳаларимиз сивияси янада яхшиланишига муносиб ҳисса қўшади.

Йиғилишни O'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси Ақтам Хайтов кириш сўзи билан очаркан, ўз сафига 1 миллиондан ортиқ маслақдошларини бириктирган партиянинг халқ орасида обрў-эътибор қозонишида, мавқеи мустақамлашиб бораётганида фахрийларнинг ҳиссаси катта эканини алоҳида таъкидлади.

– Ҳаммамизга яхши маълум, Президентимиз ташаббуси билан амалга оширилаётган илохотлар барча соҳани қамраб олди, – деди партия етакчиси сўзида давом этиб. – Хусусан, кекса авлод вакиллари ҳар томонлама кўплаб-қувватлаш борасида ҳам кўплаб ишлар амалга оширилди. Кейинги беш йил ичида бу борада 20 та ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинди, 16 тадан ортиқ меъёрий ҳужжат такомиллаштирилди. Нурунийлар учун “Фахрий мураббий” ордени таъсис этилди, 3 мингдан ортиқ фал кекса “Меҳнат фахрийси” кўкрак нишони билан тақдирланди. Бу эзгу ишлар эса уларнинг кучига куч, ғайратига ғайрат қўшаётганини ҳам тилга олиш зарур. Ҳар йили октябрь ойининг бошида “Кексалар ҳафталиги”, 1 ноябрдан 30 ноябргача “Кексалар туризм ойлиги” эълон қилиниши табарруқ инсонларнинг ижтимоий фаоллигини оширишга қаратилгани билан аҳамиятта молиқдир.



Шундан сўнг сўзга чиққан бошқа иштирокчилар ҳам таъкидлашдики, шу пайтгача сиёсий куч ўш фаолиятида кўпни кўрган, тажрибали, ёши улуг инсонлар маслаҳатларига доимий равишда таяниб келган. Ёш ходимларда ишга бўлган масъулият ва кўникмаларни шакллантириш, касбга садоқат руҳини сингдиришда улар ҳамisha маслаҳатдўст.

Фахрийлар кенгашини тузишга қарор қилинган, 13 – 18 декабрь кунлари туман ва шаҳар партия ташкилотлари, 20 – 25 декабрь кунлари Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар партия ташкилотлари Фахрийлар кенгашининг таъсис йиғилишлари ўтказилди. Жами 207 та туман (шаҳар)да 1 863 нафар, 14 та ҳудудий партия ташкилотиде 210 нафар аъзо тасдиқланди.

Бугунги йиғилишда эса O'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси қошида 25 нафар аъзодан иборат Фахрийлар кенгаши Республика Жамоатчилик кенгаши таркиби тасдиқлаб олинди. Фахрийлар кенгаши раислигига Сиёсий Кенгаш аъзоси, Ўзбекистон фахрийларининг ижтимоий фаолиятини кўллаб-қувватлаш “Нуруний” жамғармаси республика бошқаруви раиси Соҳибжон Турдиев номзоди тавсия этилди ва бир овоздан маъқулланди.

Ўз навбатида, Фахрийлар кенгашининг аниқ вазифалари айтиб ўтилди ва жорий йилдаги иш режаси тасдиқлаб олинди. Шунингдек, Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида белгиланган устувор вазифаларни амалга оширишда ушбу тузилмадан ҳам катта масъулият ва ташаббускорлик талаб қилиниши таъкидланди. Президентимизнинг “Янги Ўзбекистоннинг 2022 – 2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги фармони лойиҳасига Фахрийлар кенгаши аъзолари томонидан ҳам тақлифлар билдирилди.

Нурхон ЭЛМИРЗАЕВА,  
“XXI asr” мухбири









Бердикул ЭРГАШЕВ, O'zLiDeP аъзоси:

ПРЕЗИДЕНТ МУКОФОТИ НОБЕЛДАН ЮҚОРИДИР

Тиббиёт ва физиология соҳасида 2016 йилги Нобель мукофоти япониялик олим, Токио технология университетининг хужайра биологияси мутахассиси Ёсинори Осумига аутофагия механизмининг кашф қилгани учун берилди.

Тиббиёт ва физиология соҳасида 2016 йилги Нобель мукофоти япониялик олим, Токио технология университетининг хужайра биологияси мутахассиси Ёсинори Осумига аутофагия механизмининг кашф қилгани учун берилди.

Аслида бу янгилик Ўзбекистонда 29 йил аввал кашф этилган! "Ёсинорида бор аламиним меним", деймиш-да энди Беруний бобомизнинг "ақл машъали" аниқлаб қитъани беш юз йилдан кейин қайта кашф этган Колумбни эслаб.

Аслида бу янгилик Ўзбекистонда 29 йил аввал кашф этилган! "Ёсинорида бор аламиним меним", деймиш-да энди Беруний бобомизнинг "ақл машъали" аниқлаб қитъани беш юз йилдан кейин қайта кашф этган Колумбни эслаб.

Кашфиётчи ким, дейсизми? Унинг исми-шарфи Бердикул Эргашев. У Самарқанд вилояти Иштихон туманидаги Уйғони қишлоғида оддий меҳнаткаш оиласида туққан инсон фарзанд бўлиб дунёга келган. Падали бузуқвору миروب, онаси эса оддий колхозчи бўлиб ишлаган. Кўпчилик Б. Эргашевни табиб дегани, яъни табиб гуиёҳлардан тайёрлаган малҳам билан даволашгани учун олти йил Самарқанд давлат тиббиёт институтида тахсил олгани, икки йил давомида эса ординатурада жаррохликка ихтисослашганини билмайди.

Кашфиётчи ким, дейсизми? Унинг исми-шарфи Бердикул Эргашев. У Самарқанд вилояти Иштихон туманидаги Уйғони қишлоғида оддий меҳнаткаш оиласида туққан инсон фарзанд бўлиб дунёга келган. Падали бузуқвору миروب, онаси эса оддий колхозчи бўлиб ишлаган. Кўпчилик Б. Эргашевни табиб дегани, яъни табиб гуиёҳлардан тайёрлаган малҳам билан даволашгани учун олти йил Самарқанд давлат тиббиёт институтида тахсил олгани, икки йил давомида эса ординатурада жаррохликка ихтисослашганини билмайди.

Бир жиҳатдан жаррохликни яхши ўргангани, касаллик соҳасини аниқлагани учун ҳам у Ибн Сино қонуналари ва Чин табибига муносабат аниқлаб берди. Ўзбек шифокори нафақат Ёсинори Осуми каби механизмин кашф этди, балки амалиётда даволаш учун малҳам яратди, миллионга яқин беморларнинг саломатлигини тиклади ва бу савобли ишини бугун кенг қўллама давом эттирмакда. Шу боис Бердикул Эргашевнинг кашфиёти ҳамда бетакурор даволаш усулини ўз юртимизда қайта эълан қилишимиз керак. Аслида 2021 йилда "Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг ўттиз йиллиги муносабати билан фарман, таълим, соғлиқни сақлаш, спорт, адабиёт, маданият, санъат соҳалари ва оммавий ахборот воситалари ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида" Президентимиз фармони билан Каттақўрғон туманидаги "Эргаш ота" хусусий тиббиёт маркази бош шифокори Бердикул Эргашевга I даражали "Саломатлик" орденининг берилиши унинг кашфиёти тан олингани далолатидир.

Бир жиҳатдан жаррохликни яхши ўргангани, касаллик соҳасини аниқлагани учун ҳам у Ибн Сино қонуналари ва Чин табибига муносабат аниқлаб берди. Ўзбек шифокори нафақат Ёсинори Осуми каби механизмин кашф этди, балки амалиётда даволаш учун малҳам яратди, миллионга яқин беморларнинг саломатлигини тиклади ва бу савобли ишини бугун кенг қўллама давом эттирмакда. Шу боис Бердикул Эргашевнинг кашфиёти ҳамда бетакурор даволаш усулини ўз юртимизда қайта эълан қилишимиз керак. Аслида 2021 йилда "Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг ўттиз йиллиги муносабати билан фарман, таълим, соғлиқни сақлаш, спорт, адабиёт, маданият, санъат соҳалари ва оммавий ахборот воситалари ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида" Президентимиз фармони билан Каттақўрғон туманидаги "Эргаш ота" хусусий тиббиёт маркази бош шифокори Бердикул Эргашевга I даражали "Саломатлик" орденининг берилиши унинг кашфиёти тан олингани далолатидир.

"НАСИБ ЭТСА, БОЛАМ БУТУНЛАЙ СОҒАЯДИ"

Бу иқдор дилбанднинг дарди тўғрисида муносабат шифокор излаб тўрт томонга югурган, ҳатто, хоржизга кетишга тайёрланган ва лекин Бердикул Эргашев сабаб қўнғида умид туркирган ота - Рустам Икромовга тегишли. У воқеани шундай ёрда олади: - 9 ёшли фарзандим - Баҳриддиннинг юз-қўзида сарғайиш аломатлари сабаб пойтахтдаги Вирусология институтида гепатит тахшисини қўйишди. Ун кун ўша ерда ётиб даволандик. Жараёнда топирилган тахшилардан гепатиттининг А, Б, С вируслари йўқлиги аниқланди. Бизни Республика шетилинч тез ёрдам клиникасининг болалар жаррохлиги бўлимига

бу иқдор дилбанднинг дарди тўғрисида муносабат шифокор излаб тўрт томонга югурган, ҳатто, хоржизга кетишга тайёрланган ва лекин Бердикул Эргашев сабаб қўнғида умид туркирган ота - Рустам Икромовга тегишли. У воқеани шундай ёрда олади: - 9 ёшли фарзандим - Баҳриддиннинг юз-қўзида сарғайиш аломатлари сабаб пойтахтдаги Вирусология институтида гепатит тахшисини қўйишди. Ун кун ўша ерда ётиб даволандик. Жараёнда топирилган тахшилардан гепатиттининг А, Б, С вируслари йўқлиги аниқланди. Бизни Республика шетилинч тез ёрдам клиникасининг болалар жаррохлиги бўлимига

Дарҳақиқат, Рустам Икромов зейли инсон бўлгани учун ҳар бир му-

вожа натижасини тахлиллар, МРТ ва бошқа аппаратлар орқали кузатар экан. Дастлабки ва ҳозирги тахшислар ҳужжатларини ҳам бизга тақдим этди. Хулоса шулки, шифокорнинг даволаш натижаси - бир оилага қувонч бахш этганини тасаввур қилиш қийин эмас, қолверса, чет эл клиникаси учун сарфланмаган маблағ ҳам хонадон соҳиблари учун иқтисодий кўмак ҳисобланади.

TAХРИРИЯТ МАНЗИЛИ: Тошкент шаҳри Нукус кўчаси 73A-уй. Электрон почта: xxi\_asr@mail.ru. Телефонлар: қабулхона - 71 215-63-80 (тел./факс). Обуна ва реклама бўлими - 71 255-68-50.

ТАХРИРИЯТ МАНЗИЛИ: Тошкент шаҳри Нукус кўчаси 73A-уй. Электрон почта: xxi\_asr@mail.ru. Телефонлар: қабулхона - 71 215-63-80 (тел./факс). Обуна ва реклама бўлими - 71 255-68-50.

"XXI asr" ижтимоий-сиёсий газетаси Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2011 йил 14 июнда 0009-рақами билан рўйхатдан ўтказилган. "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида chop этилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси 41-уй. Газета офсет усулида, А-2 форматда босилди. Ҳажми - 3 босма табоқ. Буюртма рақами: Г - 151 Адади: 3335 Баҳоси келишилган нарҳда. Топирилди - 20.20.

ТАХРИРИЯТГА КЕЛГАН ҚўЛЭЗМАЛАР ТАҚРИЗ қилинмади ва муаллифларга қайтарилмайди. © "XXI asr" дан олинган маълумотларга манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт. Муаллифлар фикри таърирнинг нуктаи назаридан фарқ қилиши мумкин. Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда дизайнерлар Элёржон Нейматов, Маъруфжон Раҳмонов саҳифалади.

НАШР ҚўРСАТКИЧИ: 406 123456

НАВБАТЧИ МУҲАРРИР: ҒАБРИЛ ЖАББОРОВ

ХАЛИМ САИД, "Мехнат шукрати" ордени совриндори, журналист